

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ
259–СОҢЛИ МАЖЛИСИ
ҚАРОРЛАРИ

28 август 2017 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Раис– проф. Акилов Х.А.

Котиба – доц. Гулямова М.К.

Кенгаш аъзолари – 63 кишидан 55 киши

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151-сонли қароридаги вазифаларни бажариш.

Маърузачи -ТошВМОИ ректори, профессор Х.А. Акилов

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ЎЗР Соғлиқни сақлаш Бош вазирининг 2017 йил 11 августда тасдиқланган 449- сон буйруқ ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909 сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2956-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 31 июлда тасдиқланган 07/1-1786- сонли Назорат режасига кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Бош вазирининг 2017 йил 22 августда тасдиқланган 474-сон буйруғи ҳақида.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларни малакаси ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ПФ-5125 сонли Фармон ижроси ҳақида.

Маърузачи -ТошВМОИ ректори, профессор Х.А. Акилов

5. ТВМОИ нинг 2016-2017 ўқув йилларида олиб борилган ўқув-услубий, илмий, педагогик ва хўжалик фаолияти ҳақида ҳисобот. Институт ректори, проф. Акилов Х.А.

6. Олимлар кенгашининг янги ўқув йилига мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш. Илмий котиба Гулямова М.К.
7. Турли масалалар.

Кенгашда кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди, куйидаги қарорлар чиқарилди:

Кун тартибидаги кейинги масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР Соғлиқни сақлаш Бош вазир томонидан 2017 йил 11 августда тасдиқланган 449- сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909 сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2956-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 31 июлда тасдиқланган 07/1-1786- сонли Назорат режасига кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Бош вазирининг 2017 йил 22 августда тасдиқланган 474- сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

Соғлиқни сақлаш тизими органлари ва муассасаларининг малакали тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида максимал даражада фойдаланиш инobatга олинган холда клиник ва ўқув базалари тўғрисидаги низом лойихаси тузсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигига киритилишини таъминлансин.

3. Илғор хорижий тажриба ҳамда тиббиёт соҳаси эҳтиёжларини инobatга олган холда такомиллаштирилган ўқув режа, ўқув ва ишчи дастурлар тасдиқлансин. Ҳамда барча клиник кафедраларда амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун: махсус тренинг хоналар ташкиллаштирилсин; клиник ўқув амалиётини такомиллаштириш (фантом, тренажёрлар ёрдамида)
4. Мазкур буйруқ бажарилиши юзасидан доимий назорат ўрнатилсин.
5. Мазкур қарор моҳияти барча манфатдор ходимлар, шунингдек курсантлар эътиборига етказилиши таъминлансин;

Маъсул: ректор, проректорлар, деканлар, маънавий- маърифий ишлар бўйича маъсул, кафедра мудирлари
Муддат –доимий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларни малакаси ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ПФ-5125 сонли Фармон ижроси ҳақида.

Ушбу масала юзасидан куйидаги қарор қабул қилинди:

Олимлар кенгаши қарори:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларни малакаси ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ПФ-5125 сонли Фармони сўзсиз ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.
2. Кафедраларнинг ёш педагог, илмий ходим ва илмий раҳбарларни ушуб фармон муҳокамасига жалб этилсин ва улар орасида тушунтириш ишлари олиб борилсин.
3. Мазкур буйруқ бажарилиши юзасидан доимий назорат ўрнатилсин.

ТВМОИ нинг 2016-2017 ўқув йилларида олиб борилган ўқув-услубий, илмий, педагогик ва хўжалик фаолияти ҳақида ҳисобот бўйича:

Олимлар кенгашининг қарори: 1. Ректор проф. Акилов Х.А. ҳисоботи қабул қилинсин.

2. “Ўқув-илмий жараёнини методик таъминлаш бўлими”ни ташкил этиш таклифи амалга оширилсин

Муддати : календарь йили охиригача

Масъул: Институт маъмурияти

3. «Маркетинг» бўлими фаолияти ва вазифаларини қайта кўриб чиқилсин.

Муддати : календарь йили охиригача

Масъул: Маркетинг бўлими (Б.Д.Дурманов)

Институт маъмурияти

4. 1-сонли Республика клиник шифохонасини ТВМОИ тасарруфига ўтказиш ишлари жадаллаштирилсин.

Муддати : календарь йили охиригача

Масъул: Институт маъмурияти

5. Факультетларимиз ҳар бир профессор ўқитувчилари ёш кадрларни, хусусан катта илмий ходим ва изланувчиларни докторлик диссертацияларини бошқаришни фаоллаштириб, уни ижобий яқунига етишишини таъминлаш ишларига аҳамият қаратилсин;

Муддати ўқув йили давомида

Масъул: Илм-фан бўлими ва кафедралар мудирлари

1. Масофадан туриб ўқитишни фаоллаштирилсин.;

Муддати ўқув йили давомида

Масъул: Уқув бўлими ва кафедралар мудирлари

6. Электрон ҳужжат алмашинувини янада такомиллаштирилсин

Муддати ўқув йили давомида

Масъул: Укув булими ва кафедралар мудирлари

- 7. Ходимлар орасида чет тилини билиш даражасини ошириш; ишларига алохида аҳамият қаратилсин.**

Муддати ўқув йили давомида

Масъул: Укув булими ва кафедралар мудирлари

Турли масалалар.

2- Стоматология кафедрасини қайта номлаш ҳақида.

Олимлар кенгаши қарори: 2 стоматология кафедраси стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси деб қайта номлансин.

Ишчи гуруҳи таркибини тасдиқлаш ҳақида

Сентябрь ойида неврология ва психиатрия кафедраларининг фаолиятини текшириш учун куйидаги таркибдаги ишчи гуруҳи тузилсин:

Раис: проф.Каюмов У.К.

Аъзолари: Проф.Хамрабаева Ф.И.,

Шигаева Ф.Ф.

Каюмов А.А.,

доц.Артикходжаева Г.Ш.

Олимлар кенгаши қарори: Юқоридаги таркибдаги ишчи гуруҳи неврология ва психиатрия кафедраларининг фаолиятини текшириш учун тасдиқлансин.

Олимлар кенгашининг қарори: Услубий ҳужжатлар тасдиқлансин.

Олимлар кенгаши раиси:

проф.Акилов Х.А.

Олимлар кенгаши котибаси,

доц.Гулямова М.К.